

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ МИЛЛИЙ БАЗАСИ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР
УЧУН ҚЎЛЛАНМА**

Мундарижа

Кириш

LexUZ тизимининг мақсади

LexUZ нинг хусусиятлари

Тизим билан ишлашни бошлаш

Бош саҳифа

Тизим менюси

«Қонунчиликдаги янгиликлар» блоки

«Қонун ҳужжатлари тўпламининг янги сони» блоки

«Норматив-хуқуқий ҳужжатлари каталоги» блоки

«Нормалар» блоки

«Кўп марта кўрилган ҳужжатлар» блоки

Излаш функцияси

Тизимда рўйхатдан ўтиш

Тизимга кириш

Излашнинг кенгайтирилган шакли

Излаш намуналари

Ҳужжатни кўриш саҳифаси

Матн кўринишлари

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот-излаш тизими (бундан буён матнда «LexUZ» ҚҲММБ АИТ ёки LexUZ тизими деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сонли «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартиба солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан яратилган ҳуқуқий ахборот излаш тизими бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни осон ҳамда қулай шаклда излаш ва улар билан танишиш имконини беради.

LexUZ тизимининг мақсади – юридик ва жисмоний шахсларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш орқали ахолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришdir.

LexUZ тизимида:

- ✓ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- ✓ Ўзбекистон Республикасининг кодекслари;
- ✓ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари;
- ✓ Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- ✓ Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Олий суди ва Олий хўжалик суди пленумларининг қарорлари;
- ✓ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;
- ✓ Техник ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар мавжуд.

ҚҲММБ АИТ «LexUZ» норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг реквизитлари, таркибий қисмлари (матни) ва юридик таҳлил карточкаларидағи маълумотлари асосида, шу жумладан:

- ✓ Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумхуқуқий классификатори;
- ✓ Қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси;
- ✓ Алфавит-предметли қўрсатгичи;
- ✓ Тушунча ва терминлар маълумотномаси асосидаги кенг қамровли ахборот-излаш тизимига эга.

ҚҲММБ АИТ «LexUZ»ни яратишида янгилиги билан ўзига хос ва ўхшаши бўлмаган янги технология, яъни норматив-хуқуқий ҳужжатларни элементлари бўйича юридик таҳлил қилиш технологияси қўлланилган.

Ушбу тизимнинг шу турдаги бошқа тизимлардан фарқ қилувчи яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, бу норматив-хуқуқий ҳужжатлардаги мавжуд ҳаволалар нормаларни юридик таҳлил қилиш ва фойдаланувчи учун қўшимча шарҳ ва тушунтиришларни шакллантиришdir. Норматив-хуқуқий ҳужжатларга берилган барча шарҳ ва тушунтиришлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мутахассислари томонидан тайёрланган.

«LexUZ» ҚҲММБ АИТ Сизга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда унда бўлаётган ўзгаришлардан ишончли ва тезкор равишда хабардор бўлиш имкониятини беради.

LexUZнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилар ҳисобланади:

Мобиллик. LexUZ тизимидан дунёнинг исталган мамлакатидан туриб фойдаланиш мумкин. Бунинг учун фақатгина Интернет тармоғига уланган компьютер (ёки бошқа қурилма) керак бўлади. Бирор бир қўшимча дастурий таъминотни ўрнатиш шарт эмас.

Қулайлик. Бошқа мавжуд дастурларни доимо янгилаб бориш лозим, бу эса фойдаланувчилардан қўшимча маблағ ёки вақт талаб қиласди. LexUZ тизими фойдаланувчиси бу ҳақда бош қотиришига ҳожат йўқ.

Ишончлилик. LexUZ тизими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тегишли бўлиб, барча ҳужжатлар фақат расмий манбалардан фойдаланган ҳолда киритилиши тизимдаги маълумотларнинг ишончлиигини таъминлайди.

Бепуллик. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 340-сонли «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2010 йил 1 январдан бошлаб барча фойдаланувчилар Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан бепул фойдаланиши мумкин.

«LexUZ» дастурий таъминотининг янгиланиши натижасида тизимга оммабоп веб-браузерлар «Opera», «Safari», «Mozilla Firefox», Google Chrome ва бошқа шу каби дастурлар орқали кириш имконияти яратилди.

Шунингдек, янада кўпроқ фойдаланувчиларни қамраб олиш мақсадида «LexUZ»нинг мобил алоқа воситалари учун маҳсус варианти яратилди.

LexUZ тизимидағи **хужжатларни қўриш учун рўйхатдан ўтиш талаб этилмайди**. Рўйхатдан ўтиш фақатгина тизимининг қўшимча имкониятларидан (хужжатдаги ўзгартиришларни қўриш, излашнинг кенгайтирилган шаклидан фойдаланиш, электрон почта орқали қонунчиликдаги янгиликлар тўғрисида хабарнома олиш ва ҳоказолар учун) фойдаланиш учун керак бўлади.

Барча шарҳ ва тушиунтиришлар маълумот тариқасида тақдим этилади ҳамда расмий хусусиятга эга эмас, LexUZ сайтида тақдим этилган ахборотнинг ноаниқлиги ёки тўлиқ бўлмаганлиги ёхуд олинган ахборотлар асосида Сиз томонингиздан ёки учинчи шахс томонидан қабул қилинган ҳар қандай қарор ёхуд қилинган ҳаракат натижасида юзага келган ҳар қандай зиён ёки зарар учун LexUZ маъмурияти Сизнинг олдингизда жавобгар бўлмайди.

Тизим билан ишлашни бошлаш

LexUZ тизимида ишлашни бошлаш учун веб-браузерни (Internet Explorer, Mozilla Firefox, Opera, Google Chrome ва ҳоказо) ишга туширинг ва www.lex.uz манзилини теринг:



Бош саҳифа

LexUZning бош саҳифаси меню ва бир нечта блоклардан иборат, хусусан:

- Тизим менюси;
- «Қонунчилик янгиликлари» блоки;
- «Норматив-хуқуқий ҳужжатлари каталоги» блоки;
- «Қонун ҳужжатлари тўплами янги сони» блоки;
- «Нормалар» блоки;
- «Излаш» блоки;
- «Кўп марта кўрилган ҳужжатлар» блоки;
- Рўйхатдан ўтиш ва авторизация элементлари блоки.

The screenshot shows the LexUZ website homepage. At the top, there is a navigation bar with links for 'Мобил' (Mobile), 'Сайт янгиликлари' (New features of the site), 'Форум' (Forum), 'Ҳамкорларимиз' (Our partners), 'Сайт харитаси' (Site map), 'Эски сайт' (Old site), 'На русском' (In Russian), and 'Ўзбекча' (Uzbek). Below the navigation bar is the LexUZ logo and the text 'ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МАЪЛУМОТЛАРИ МИЛЛИЙ БАЗАСИ'. A search bar contains the placeholder 'Излаш учун сўровни киритинг; масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси' and a 'Излаш' button. To the right of the search bar is the text 'Бугун базада 24232 та ҳужжат'. Below the search bar are four main menu items: 'LEXUZ ҲАҚИДА', 'НАШРЛАР', 'МАЪЛУМОТНОМАЛАР', and 'МАРКАЗ ҲАҚИДА'. On the left side, there is a section titled 'LEXUZ НИМА?' containing text about the LexUZ system and its purpose. It includes a 'Логин' input field, a 'Эслаб қолиш' checkbox, a 'Паролни тиклаш' link, and a 'Кириш' button. Below this is a large green 'РЎЙХАТДАН ЎТИШ' button. To the right of the menu items is a stack of books with one labeled 'КОДЕКС'. At the bottom left, there are three service icons: a document with a clock, a checklist, and an envelope with a clock, each with corresponding text descriptions: 'Норматив ҳужжатнинг ўзгаришлари кўриш', 'Ҳужжатларни кенгайтирилган параметрлар бўйича излаш', and 'Электрон почта орқали қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида хабар олиб туриш'.


Тизим менюси

Тизимда иккита меню мавжуд. Улар юқориги ва функционал менюлари.
Юқориги меню қуидаги кўринишга эга.

Мобил **Сайт янгиликлари** **Форум** **Ҳамкорларимиз** **Сайт харитаси** **Эски сайт**

Юқориги меню орқали қуидаги саҳифаларга ўтиш мумкин:

Мобил шакл – сайтнинг мобил алоқа воситалари орқали кириш учун мўлжалланган соддалашибирлигантан шакл.



Сайт янгиликлари – бу саҳифада сайт янгиликлари жойлаширилган.

Форум – тизим форуми саҳифасига ҳавола (<http://uforum.uz> манзилида жойлашган). Ушбу саҳифа орқали бизга мурожаат қилиш, саволлар бериш ёки тизимнинг ишлаши бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдириш мумкин.

Ҳамкорларимиз - ҳамкорлар тўғрисида маълумотлар.

Сайт харитаси – фойдаланувчиларга қулай бўлиши учун яратилган навигация саҳифаси.

Эски сайт – lex.uz сайтининг эски версиясига ҳавола

Диққат! Агар Сиз сайтнинг эски версиясини ишлатмоқчи бўлсангиз Internet Explorer 6.0 ёки ундан юқори бўлган веб-браузердан фойдаланинг

Шунингдек, юқориги менюдаги тугмача орқали интерфейс тилини ўзгартириш мумкин.

Сайтнинг функционал менюси бандлар рўйхати кўринишига эга бўлиб, улар орқали ички саҳифаларга кириш ва ҳар хил функциялар бажариш мумкин.

LEXUZ ҳақида | **НАШРЛАР** | **МАЪЛУМОТНОМАЛАР** | **МАРКАЗ ҳақида**

«LexUZ ҳақида» меню банди қуидаги бўлимлардан иборат:

Фойдаланувчи қўлланмаси – LexUZ тизими билан ишлаш учун фойдаланувчи қўлланмаси.

Юридик таҳлил карточка реквизитлари – юридик таҳлил карточка реквизитлари тавсифланган саҳифа.

Излаш реквизитлари рўйхати – тизимда норматив-хукуқий ҳужжатларни излаш учун реквизитлар рўйхати.

Излаш – норматив-хукуқий ҳужжатларни қидириш саҳифасига ҳавола.

Паролни тиклаш – рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар учун унунтилган паролни тиклаш функцияси.

«Нашрлар» меню банди қўйидаги бўлимлардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – ушбу саҳифада «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг электрон шаклда йиллар бўйича жойлаштирилган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

2012 2011

- ЎР ҚҲТ 17-сон (517) 2012 йил 30 апрель
ЎР ҚҲТ 16-сон (516) 2012 йил 23 апрель
ЎР ҚҲТ 15-сон (515) 2012 йил 16 апрель
ЎР ҚҲТ 14-сон (514) 2012 йил 9 апрель
ЎР ҚҲТ 13-сон (513) 2012 йил 2 апрель
ЎР ҚҲТ 12-сон (512) 2012 йил 26 март
ЎР ҚҲТ 11-сон (511) 2012 йил 19 март
ЎР ҚҲТ 10-сон (510) 2012 йил 12 март
ЎР ҚҲТ 8-9-сон (508-509) 2012 йил 5 март
ЎР ҚҲТ 7-сон (507) 2012 йил 20 февраль
ЎР ҚҲТ 6-сон (506) 2012 йил 13 февраль
ЎР ҚҲТ 5-сон (505) 2012 йил 6 февраль
ЎР ҚҲТ 3-4-сон (503-504) 2012 йил 30 январь
ЎР ҚҲТ 2-сон (502) 2012 йил 16 январь
ЎР ҚҲТ 1-сон (501) 2012 йил 11 январь

ТЎПЛАМ БЕШ БЎЛИМДАН ИБОРАТ:

Биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

Иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

Учинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

Тўртингчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

Бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-хукуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўплами – ушбу саҳифада «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўплами» электрон шаклда жойлаштирилган.



Ўзбекистон Республикаси халқаро
шартномалари тўплами

1-4 (25-28)-сон, 2010 йил

1-2 –сон (29-30) 2011 йил

Кутубхона – юридик адабиётлар кутубхонаси.

Юридик адабиётлар

Тадбиркорлик соҳасида маъмурӣ тартиб-қоидалар бўйича қўлланма



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA)
Т: «Sharq», 2011. – 400 бет. I. Хидоятов, F. II. Мелиев, X.

Тадбиркорлар учун маъмурӣ тартиб-қоидалар тўғрисида брошиюра



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) «Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси бош таҳририяти Тошкент – 2011

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (2003 йил 24 июнгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан).
Расмий нашр Т: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003 й. - 496 бет, ўзбек тилида.

«Маълумотномалар» меню банди қуйидаги бўлимлардан иборат:
Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари – Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари тўғрисидаги маълумот.
Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик лугат – тизимлаштирилган юридик терминлар луғати.

Давлат реестрлари – ФХДЁ органлари, нотариал идоралар ва адвокатлар тўғрисида маълумот.

Ҳисоботлар шаклари – ушбу саҳифада турли ҳисобот шакллари жойлаштирилган.

«Марказ ҳақида» меню банди қуйидаги бўлимлардан иборат:

Фаолияти – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳукукий ахборот билан таъминлаш маркази тўғрисида маълумот.

Норматив хужжатлар – Марказ фаолиятига дахлдор норматив хужжатлар тўғрисида маълумот.

Рахбарият – Марказ раҳбарлари тўғрисидаги маълумот.

Алоқа – Марказ билан боғланишга оид маълумотлар (манзил, телефонлар, e-mail ва ҳоказолар).

Ахборотни тақдим этиши шартлари – ахборотни тақдим этиш шартлари тўғрисида маълумот.

«Қонунчиликдаги янгиликлар» блоки

Ушбу блок тасма кўринишига эга бўлиб, янги қабул қилинган норматив-хукукий хужжатларни дарҳол кўриш учун хизмат қилади.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Яна ... RSS

27 апреля 2012 НОГИРОНЛАР ВА КЕКСАЛАРНИ БЕПУЛ САНATORIЯ-КУОРТ ИЙУЛАНМАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ НУХОФАЗА КИЛИШ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН	28 апреля 2012 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАРОРИ	26 апреля 2012 ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ
--	---	---

«Қонун хужжатлари тўпламиининг янги сони» блоки

Бош саҳифада «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами»нинг янги сонига ҳавола жойлаштирилган.



«Норматив хужжатлар каталоги» блоки

Норматив-хукуқий хужжатларни мавзули қидиришда фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида норматив-хукуқий хужжатлар каталоги бош саҳифада жойлаштирилган.

НОРМАТИВ ХУЖЖАТЛАР КАТАЛОГИ	
Давлат ва жамият курилиши Суверенитет , Конституция , Давлат герби , Давлат мадхияси , Давлат байрони , Давлат тили , Пойтахт , Байрамлар , Хотира кунлари , Юбилейлар , Маъна	Молия Умумий масалалар , Бюджет , Бюджетдан тақари жамғармалар , Соликлар (йилимлар, божлар), Пул тизими , Хисоб-китоблар , Яна
Ижтимоий-маданий масалалар Умумий масалалар , Никоҳ , ва оила , Фуқаролик ҳолати далолатномалари , Ёшларга доир сиёсат тӯғрисида қонун ҳужжатлари , Яна	Ташки сиёсат ва халқаро муносабатлар Умумий масалалар , Ташки сиёсат , Дипломатик ва бошқа ваколатхоналар , Халқаро шартномалар (битмлар), Яна
Табиий ресурслар Атроф табиий мухитни муҳофаза килиш , Ер , Ер ости бойликлари , Ўрмонларни муҳофаза килиш ва улардан фойдаланиш , Яна	Ташки иқтисодий фаолият. Божхона Умумий масалалар , Чет эл давлатининг иммунитети ва унинг мулки , Чет эл инвестициялари , Концессия шартномалари , Хориждан маблаг жалб қилиш , Эркин иқтисодий зоналар , Яна
Фуқаролик қонунчилиги. Тадбиркорлик Умумий масалалар , Фуқаролар (жисмоний шахслар), Юридик шахслар , Тижорат ташкилотлари , Нотижорат ташкилотлари , Юридик шахсларнинг ташки Яна	Мудофаа ва миллий хавфсизлик Умумий масалалар , Харбий хизмат , Муқобил хизмат , Давлат чегарасини муҳофаза килиш , Давлат сирларини химоя килиш , Яна
Иқтисодиёт Умумий масалалар , Давлат буюртмаси , Давлат заҳтиёжлари , Давлат моддий заҳираси , Давлат кадастри , Геодезия ва картография , Яна	Одил судлов. Хукуқ-тартиботни муҳофаза килиш. Адлия Умумий масалалар , Суд тузилиши , Суд-экспертиза мусассасалари , Судга одид тиббий экспертиза , Адвокатура , Яна

«Нормалар» блоки

НОРМАЛАР

«Тўғридан-тўғри хорижий
инвестициялар жалб этилишини
рағбатлантиришга оид кўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида»
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг фармони
Батафсил

[Яна ...](#)

Фойдаланувчилар учун энг қизиқарли бўлган нормалар билан танишиш учун тизимда маҳсус ахборот блоки киритилган.

«Кўп марта кўрилган ҳужжатлар» блоки

Ушбу блок бош саҳифанинг пастки қисмида жойлашган бўлиб, ўзгарувчан тасма кўринишига эга. Энг кўп кўрилган ҳужжатлар билан таништириш учун мўлжалланган. Шунингдек, «Яна» ҳаволасини босиш билан энг кўп кўрилган ҳужжатларни вақт оралиғи доирасида (кеча, 10 кун ичида, бир ой ичида, ҳаммаси) танлаш мумкин.

КЎП МАРТА КЎРИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР [Яна ...](#)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ
КОДЕКСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
КОНСТИТУЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ СОПИҚ
КОДЕКСИ

Излаш функцияси

Излаш функцияси тизимда энг асосий қисм ҳисобланиб, барча фойдаланувчилар кириши мумкин бўлган **излашнинг оддий шаклига** (кўшимча шартлари билан) ҳамда рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар кириши мумкин бўлган **излашнинг кенгайтирилган шаклига** (кенгайтирилган шакл тавсифи қўйида келтирилган) бўлинади. Тизим бўйича излашнинг оддий шакли бош саҳифада жойлашган.

Масалан, «тадбиркор» деган сўз ишилатилган норматив-хукуқий хуҗжатни (НХХ) топиш керак, бунинг учун ушибу сўзни киритиши жойига теришингиз ва «Излаш» тугмасини ёки «Enter» клавишиасини босишининг ўзи етарли.

LEX.UZ БАЗАСИ БҮЙИЧА САЙТ БҮЙИЧА

🔍 Тадбиркор | Излаш

Тизим сўров бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар рўйхатини, яъни излов натижасини чиқариб беради (рўйхат ҳужжатларнинг қабул қилинган санаси бўйича сараланади).

«LexUz» да ҳужжат излаш

🔍 Тадбиркор | Излаш

- Излашни қўшимча шартлари | Тозалаш

Ҳаммаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган

ҳужжат номида излаш аниқ излов

Ҳужжат №: дан гача Ҳужжат тили ихтиёрий

Ҳужжат шаклини танланг Ҳужжат қабул қилиган органни танланг

Топилган ҳужжатлар сони: 4474
Амалдаги: 3465 Кучини йўқотган: 1009 Ҳаммаси: 4474

1 [ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎГРИСИДА](#)
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни №ЎРҚ-327 Қабул қилинган сана 26.04.2012, кучга кириш санаси 27.04.2012

2 [КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУХИТИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАРАЖАСИ ИНДИКАТОРЛАРИНИ ҲАР ЧОРАКДА БАХОЛАШ ТИЗИМИНИ ТАСДИКЛАШ ТЎГРИСИДА](#)
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори №117 Қабул қилинган сана 20.04.2012, кучга кириш санаси 20.04.2012

3 [ОИЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎГРИСИДА](#)
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори №111 Қабул қилинган сана 17.04.2012, кучга кириш санаси 17.04.2012

4 [ДАВЛАТ ВА ҲЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИГА КИРИТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ХУКУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ЮРИДИК-ТЕХНИК ЖИҲАДАН РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ХУКУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ўТҚАЗИШ ТАРТИБИ ТЎГРИСИДА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАРНИ ТАСДИКЛАШ ҲАҚИДА](#)
Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи №2352 Қабул қилинган сана 09.04.2012, кучга кириш санаси 19.04.2012

5 [ҲЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ УСТАВ ФОНДИДАГИ \(УСТАВ КАПИТАЛИДАГИ\) АКЦИЯЛАРНИ \(УЛУШЛАРНИ\) ОЛИШ УСТИДАН НАЗОРАТ КИЛИШ ТАРТИБИ ТЎГРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИКЛАШ ҲАҚИДА](#)
Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори №0350 Қабул қилинган сана 05.04.2012, кучга кириш санаси 15.04.2012

Излаш шакли

Излаш шакли (излашнинг қўшимча шартлари билан) – махсус шакл бўлиб, норматив-хукуқий ҳужжатларни қуляй тарзда қидириш учун кўп ҳолларда ишлатиладиган реквизитлар асосида яратилган. Хусусан:

«LexUz» да ҳуюкат излаш

🔍	Излаш		
- Излашни қўшимча шартлари Тозалаш			
<input type="checkbox"/> Ҳаммаси <input checked="" type="checkbox"/> Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган <input type="checkbox"/> ҳужжат номида излаш <input type="checkbox"/> аниқ излов			
Ҳуюкат №: <input type="text"/>	дан <input type="text"/>	гача <input type="text"/>	Ҳужжат тили ихтиёрий <input checked="" type="checkbox"/>
Ҳужжат шаклини танланг <input type="button" value="▼"/>	Ҳужжат қабул қилган органни танланг <input type="button" value="▼"/>		

Матн киритиши учун майдон – излаш учун сўзлар ёки жумлалар киритиш учун мўлжалланган (юқорида «тадбиркор» деган сўз бўйича излаш мисоли келтирилган).

Ҳужжат рақами – ҳужжат рақамини киритиш мўлжалланган. Агарда шаклда «Ҳаммаси» тугмаси танланган бўлса, излаш тизим базасидаги барча ҳужжатлар бўйича амалга оширилади. Агарда «Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган» тугмаси танланган бўлса, излаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг ҳужжатлари бўйича амалга оширилади.

Ҳужжат шакли – берилган рўйхатдан ҳужжат шаклини танлаш (масалан, қонун, фармон, қарор, йўриқнома, буйруқ, қурилиш нормалари, қоидалари ва бошқалар)

Ҳужжатнинг қабул қилинган санаси – фойдаланувчиларга қулайлик яратиш учун ҳужжат санасини киритиш жойи календарь кўринишида ишланган. Ҳужжат қабул қилинган аниқ санасини билган ҳолда «дан» ва «гача» киритиш жойларига айнан ўша бир сана киритилади. Агар ҳужжат қабул қилинган санасини аниқ билмаган (тахминий вақт оралиғи) ҳолда керакли саналар оралигини белгилаш мумкин.

Масалан, «дан» киритиши майдончасига «01.04.2012», «гача» киритиши майдончасига «30.04.2012» терилганда тизим ушибу саналар оралигига қабул қилинган барча ҳужжатлар рўйхатини чиқариб беради.

Ҳужжат тили – норматив-ҳукуқий ҳужжат тилини танлаш.

Ҳужжатни қабул қилган орган – берилган рўйхат бўйича тегишли органни танлаш (масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқалар).

«Фақат номи бўйича излаш» функцияси – ушбу функциядан фойдаланилганда сўзларни қидириш фақат ҳужжатлар номи бўйича амалга оширилади.

«Аниқ излаш» функцияси – ушбу функциядан фойдаланилган ҳолда керакли ҳужжатларни тезроқ топишингиз мумкин.

Биринчи мисол, масалан, Сиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10-сонли қарорини изламоқдасиз. Бунинг учун Сиз «Хужжат рақами» киритиш майдончасига «10» рақамини киритасиз, бу ҳолатда тизим рақамларида «10» сони бўлган барча хужжатларни чиқариб беради (110, 1021, 103 ва шу каби бошқаларни). Агарда Сиз «Аниқ излаш» тугмачасини белгилаб қўйсангиз тизим рақами фақат «10» бўлган хужжатлар рўйхатини чиқариб беради.

Иккинчи мисол, «ўқув» деган сўз ишлатилган хужжатни изламоқдасиз. Агар Сиз ушбу сўзни матн киритиш майдончасига териб «Излаш» тугмасини боссангиз тизим мазкур сўз учраган барча хужжатларни, уларнинг матнда жойлашувидан қатъий назар (ўқувчи, ўқувчилик, тўқув ва ҳоказо) чиқариб беради.

“Аниқ излаш” функцияси ишлатилган ҳолда тизим фақат «ўқув» сўзи учраган хужжатлар рўйхатини чиқариб беради.

«Тозалаш» функцияси – шаклни қидирув сўровидан тўлиқ тозалаш учун ишлатилади.

Шунингдек, тизим излаш натижасини қўйида келтирилган шаклдагидек сонлари билан кўрсатади:

Топилган ҳужжатлар сони: 4474
Амалдаги: 3465 Кучини йўқотган: 1009 Ҳаммаси: 4474

Конституция

Кодекслар

Қонунлар

2012 2011 2010 2009 2008 2007
2006 2005 2004 2003 2002 2001
2000 1999 1998 1997 1996 1995
1994 1993 1992 1991 1990

Президент ҳужжатлари

(қарорлар, фармонлар,
фармойишлар)

2012 2011 2010 2009 2008 2007
2006 2005 2004 2003 2002 2001
2000 1999 1998 1997 1996 1995
1994 1993 1992 1991 1990

Вазирлар Маҳкамаси

ҳужжатлари

(қарорлар, фармойишлар)

2012 2011 2010 2009 2008 2007
2006 2005 2004 2003 2002 2001
2000 1999 1998 1997 1996 1995
1994 1993 1992 1991

**Вазирликлар, давлат
қўмиталари ва
идораларининг
норматив-ҳуқуқий
ҳужжатлари**

2012 2011 2010 2009 2008 2007
2006 2005 2004 2003 2002 2001
2000 1999 1998 1997 1996 1995
1994 1993 1992

Излаш саҳифасида норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларни тезкор кўриш панели
мавжуд.

Тезкор кўриш панели – ҳужжатнинг
шакли ва қабул қилиниш
хронологияси бўйича каталогидир.

Керакли ҳавола босилганда тизим
ҳужжатнинг қабул қилинган санаси
бўйича сараланган рўйхатни чиқариб
беради.

Тизимда рўйхатдан ўтиш

Рўйхатдан ўтиш фақатгина тизимиning қўшимча имкониятларидан
(хужжатдаги ўзгартиришларни кўриш, излашнинг кенгайтирилган шаклидан
фойдаланиш, электрон почта орқали қонунчиликдаги янгиликлар тўғрисида
хабарнома олиш учун ва яна бошқа) фойдаланиш учун керак бўлади.

LexUZ тизимида қандай рўйхатдан ўтилади?

LexUZ тизимида рўйхатдан ўтиш учун бош саҳифада жойлашган
«Рўйхатдан ўтиш» тугмасини босиш керак.

РЎЙХАТДАН ЎТИШ

LexUZ тизими фойдаланувчига “on-line” режимида рўйхатдан ўтиш имконини беради. Рўйхатдан ўтишни бошлаш учун «Рўйхатдан ўтиш» ҳаволасини «сичқонча»нинг чап тугмаси босиш керак, натижада рўйхатдан ўтиш шакли юкланди.

Диққат! LexUZ тизимида рўйхатдан ўтиши учун ишлайдиган электрон почта манзилингиз (e-mail) бўлиши керак, тизимда ишлашда ушбу манзил фойдаланувчининг номи (логин) ҳисобланади.

«E-mail» майдончаси тўлдирилгач, олдин ушбу манзил билан рўйхатдан ўтилмаганлигини аниқлаштириш мақсадида «e-mail текшириш» ҳаволасини босиш керак.

Шундан сўнг шаклнинг бошқа киритиш майдончалари майдонлари тўлдирилади, улар: «Исмингиз», «Фамилиянгиз», «Пароль», «Паролни тасдиқлаш» (паролни қайта териш), «Интерфейс тили» (очиладиган рўйхат кўринишида), «Мамлакат» (очиладиган рўйхатдан танлаш лозим), «Шахс тури» (юридик ёки жисмоний), шунингдек, тақдим этилган расмни тасдиқлаш (суратдаги рақамни киритиш). Шундан сўнг «Рўйхатга олиш» тугмасини босиш лозим:

Рўйхатдан ўтиш

Тўлдирилган намунавий шаклнинг кўриниши

ЯНГИ ФОЙДАЛАНУВЧИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

E-mail e-mail свободен ✓

Исм

Пароль
(лотин алифбосида 3 дан 30 гача символ)

Фамилия

Паролни тасдиқланг
(лотин алифбосида 3 дан 30 гача символ)

Тил

Мамлакат

Жисмоний/Юридик шахс

Жисмоний шахс
 Юридик шахс

Тасдиқлаш учун суратдаги рақамни киритинг

533891

Рўйхатдан ўтиш Бекор килиш

Тизим сўровга ишлов бериб, кўрсатилган электрон почта манзилга қуидаги кўринишдаги хабарни юборади:

Ҳурматли Фойдаланувчи!

Ушбу хабар Сизнинг LexUZда рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги сўровингизнинг тасдиғи ҳисобланади.

LEXUZ ТИЗИМИГА КИРИШДАН ОЛДИН РЎЙХАТДАН ЎТИШНИ ТАСДИҚЛАШИНГИЗ КЕРАК!

Бунинг учун «сичконча»нинг чап тугмаси билан қуийдаги ҳаволани босинг:

ёки ушбу хатдан ҳавола манзилини алмасиш буферига кўчириб олинг ва уни веб-браузерингизни «Address» майдончасига жойлаштиринг. Юкланган саҳифада ўзингизнинг идентификаторингиз ва паролингизни теринг.

LexUZга кириш учун Сизнинг идентификаторингиз (логинингиз) : userlex@inbox.uz

Рўйхатдан ўтиш сўрови 4 кун ичida тасдиқланиши лозим, акс ҳолда у бекор қилинади.

Рўйхатдан ўтишни рад қилиш учун Сиз томонингиздан бирон-бир ҳаракат қилиниши талаб этилмайди, шунчаки ушбу хабарни учирив ташланг.

Ҳурмат билан,

LexUZ портали маъмурияти

E-mail: robot@minjust.gov.uz

Web-адрес: <http://lex.uz/>

Ҳаволани босиш билан фойдаланувчи тизимда активация бўлади ва рўйхатдан ўтган ҳисобланади ҳамда LexUZга кириш имконияти пайдо бўлади.

Тизимга кириш

Тизимга кириш учун фойдаланувчи бош саҳифага кириши ва киритиш майдончасида ўзининг e-mail ва паролини киритиши лозим (авторизация).

Агарда фойдаланувчи доимо бир компьютерда ишлайдиган бўлса, «Эслаб қолиш» майдончасини белгилаб қўйиш тавсия этилади.

The form consists of three main fields: an email input field containing "userlex@inbox.uz", a password input field containing "*****", and a blue "Кириш" (Login) button. Below the password field is a checkbox labeled "Эслаб қолиш" (Remember me) which is checked. To the right of the checkbox is the text "Паролни тиклаш" (Change password).

Агар тизимга киришда фойдаланувчи номи ёки пароли хато терилса тизим фойдаланувчига хатолик тўғрисида хабар беради ва текшириб қайта теришни таклиф қиласи. Агар тизимга кириш учун пароль ёддан чиқсан бўлса «паролни қайта тиклаш» функциясидан фойдаланиш мумкин.

LEX.UZ САЙТИДА ПАРОЛНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ

E-mail

Тасдиқлаш учун суратдаги рақамни киритинг

Янги пароль олиш

LexUZ тизимида ишлаш

Рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар тизимда ишлаш чоғида қўшимча имкониятларга эга бўладилар. Қуйида ушбу қулайликларни тавсифи келтирилади.

Рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар учун бош ойна кўриниши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ МИЛЛИЙ БАЗАСИ

LEX.UZ БАЗАСИ БЎЙЧА САЙТ БЎЙЧА

Излаш учун сурони киритинг, масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
Излаш

Излашнинг қўшимча шартлари | Излашнинг кенгайтирилган шакли | Бугун базада 24146 та ҳуққат

Хуш келибсиз,
Фойдаланувчи Фойдаланувчи

LEXUZ ҲАҚИДА НАШРЛАР МАЪЛУМОТНОМАЛАР МАРКАЗ ҲАҚИДА

Якнада
қўрилган
ҳуққатлар

Ҳуққатлар
тўпламлари

Сўровлар

Янги қабул
килинган
ҳуққатлар

Янги қайта
қўрилган
ҳуққатлар

Кучга кирган
ҳуққатлар

Ўз кучини
йўқотган
ҳуққатлар

Обуналар

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

[Яна...](#) RSS

13 апреля 2012

**БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ ТЎГРИЛАШ
БҚТ-1 ВА БҚТ-2 ШАКЛЛАРИНИ
ТЎЛДИРИШ БЎЙЧА ЙЎРИҚНОМАГА
ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА**
Ўзбекистон Республикаси давлат божхона
қўмитасининг қарори

12 апреля 2012

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг
ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ҲАМДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг
МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК
ТЎГРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

11 апреля 2012

**«СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎГРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**
Ўзбекистон Республикаси қонуни

Расмда кўриниб турганидек “Излашнинг кенгайтирилган шакли” функцияси, шунингдек “Яқинда кўрилган ҳужжатлар”, “Ҳужжатлар тўплами”, “Сўровлар”, “Янги қабул қилинган ҳужжатлар”, “Янги қайта кўрилган ҳужжатлар”, “Кучга кирган ҳужжатлар”, “Ўз кучини йўқотган ҳужжатлар”, “Обуналар” тутмалари пайдо бўлади. Бундан ташқари, фойдаланувчи учун керакли бўлган яна бир қатор қўшимча имкониятлар пайдо бўлади. Ушбу имкониятлар кўйида батафсил тавсифлаб берилган.

Функцияларнинг тавсифи



Яқинда
кўрилган
ҳужжатлар

Ушбу функция орқали яқин вақт оралиғида кўрилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини кўриш мумкин (кўрилган ҳужжатлар тарихи). Рўйхат кўрилган сана бўйича тузилади.



Ҳужжатлар
тўпламлари

Агарда бир ҳужжат билан ёки маълум мавзуга оид ҳужжатлар тез-тез ишлаш тўғри келган тақдирда, тизимда ушбу ҳужжат ёки ҳужжатларни алоҳида тўплам шаклида сақлаб қўйиш имконини берадиган “Ҳужжатлар тўплами” функцияси яратилган. Ушбу функциянинг батафсил тавсифи билан “Излашнинг кенгайтирилган шакли” бўлимида танишиш мумкин.



Сўровлар

Агар тизимда ишлаш чоғида ҳужжат қидиришнинг мураккаб сўровларидан фойдаланилган бўлса, ушбу сўровларни тизимда сақлаб қолиш функцияси мавжуд. Ушбу функция шуниси билан қулайки, унда мураккаб бўлган қидирув сўровини қайтадан теришга ҳожат қолмайди. Ушбу функциянинг батафсил тавсифи билан “Излашнинг кенгайтирилган шакли” бўлимида танишиш мумкин.



Янги қабул
қилинган
ҳужжатлар

“Янги қабул қилинган ҳужжатлар” функцияси янги қабул қилинган ҳужжатларни кузатиб бориш имконини беради.



Янги қайта
кўрилган
ҳужжатлар

Мазкур функция тизим базасида янги қайта кўриб чиқилганлар ҳужжатларни кузатиб бориш имконини беради.

Изоҳ: Тизимда қайта кўриб чиқилган ҳужжат сифатида бошқа ҳужжат асосида матнига ўзгартириши ва/ёки қўшимча киритилган ҳужжат тушунилади.



Кучга кирган
ҳужжатлар

Ушбу функция шу кунларда кучга кирган норматив-хукуқий ҳужжатлар билан танишиш имконини беради (вақт оралигини ўзгартириш имконияти мавжуд).

КУЧГА КИРГАН ҲУЖКАТЛАР Диапазон

05.04.2012 дан 05.06.2012 гача
Топилган ҳужжатлар сони: 18
Амалдаги: 18 Кучини йўқотган: 0 Хаммаси: 18

[БОЖОХОНА КИЙМАТИНИ ТЎҒРИЛАШ БКТ-1 ВА БКТ-2 ШАКЛЛАРИНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ЙЎРИКНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ХАҚИДА](#)
Ўзбекистон Республикаси давлат божхона юмитасининг қарори №920-3 Қабул қилинган сана 13.04.2012, кучга кириш санаси 23.04.2012

[ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ХАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА КЎШИМЧАПАР КИРИТИШ ХАҚИДА](#)



Ўз кучини
йўқотган
ҳужжатлар

Ушбу функция шу кунларда ўз кучини йўқотган норматив-хукуқий ҳужжатлар билан танишиш имконини беради (вақт оралигини ўзгартириш имконияти мавжуд).

Шунингдек, ҳужжат қидириш шакллари орқали ўз кучини йўқотган ҳужжатларни топиш мумкин.

Изоҳ: агар топилган ҳужжатлар рўйхатида ҳужжат номи олдида белгиси бўлса, у ҳолда ушбу ҳужжат ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

ЎЗ КУЧНИ ЙЎҚОТГАН ҲУЖКАТЛАР Диапазон

05.04.2012 дан 05.06.2012 гача
Топилган ҳужжатлар сони: 2
Амалдаги: 0 Кучини йўқотган: 2 Хаммаси: 2

